

“Диний экстремизм ва терроризм – жамият тараққиётига таҳдид”

Ўзбекистон азалдан турли миллатга мансуб, турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаган ўлка бўлиб келган. Аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган. Ҳеч шубҳасиз, юртимизда турли соҳаларда эришилаётган барча улкан ютуқларимизнинг замирида жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ҳисобланади. Маълумки, бугун мусулмон оламида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқин Шарқ ва бошқа ҳудудлардаги қатор мамлакатлар чуқур сиёсий танглик, ижтимоий ва иқтисодий бекарорлик ва қуролли тўқнашувларни бошидан кечирмоқда. Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультетида “Диний экстремизм ва терроризм-жамият тараққиётига таҳди迪” мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди.



Давра сұхбатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги, Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Махсус тайёргарлик ўкув маркази бошлиғи полковник О.Т.Аҳмедов, катта инструктор майор Р.М.Ҳабибуллаев, майор С.С.Қодиров, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев, профессор-ўқтувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди. Сўнгги йилларда ақидапараст оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “хўжралар” ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишида тарқатиш, интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усувларда амалга ошироқда. Айниқса, интернет тармоғида ўзини “Ислом давлати” (ИШИД), “Жабҳат ал-Нусра” деб атаб олган террористик ташкилотлар гўёки ислом равнақи йўлида курашаётган “мужоҳид биродарлар гуруҳи” экани ҳақидаги тарғибот-ташвиқот кенг кўламда олиб борилаётгани, бунинг оқибатида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мусулмон ёшлар “ҳижрат” қилиш ва “жиход”да иштирок этиб даъвосида Сурия ва Ироқ ҳудудига бориб, ушбу гуруҳ сафига бориб қўшилаётганинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Афсуски, ёшлар муайян қисми ИШИДни ҳақиқатда ҳам ислом динини бутун дунёга тарқатиш, исломий давлат барпо этган ҳолда дунёдаadolat ўрнатиши мақсад қилган ташкилот деб ҳисблайди. Оиласда тинчлик бўлса, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, вилоят ва ниҳоят мамлакатда осойишталик бўлади, юрт равнақ топади.



Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу-хунарлари билан ахлоқий фазилатларини ҳам ўстириб боришимиз керак. Ёш авлоднинг турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик фақат ҳукуматимиз ёки таълим муассасаларининг вазифаси эмас, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муҳим бурчларидан биридир. Яна таъкидлаш жоизки, тинчликни улуғ неъмат деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал билан, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган. Шу нуқтаи-назардан, фуқароларимиз юртимизда тинчлик хотиржамликни авайлаб-асраш йўлида давлатимизнинг мутасадди идоралари томонидан амалга оширилаётган сайъи-ҳаракатларни эътиқодан қўллаб-кувватлашлари ва қўлидан келганча уларга ёрдам беришлари лозим. Таҳдидларни олдини олишга қаратилган айнан мана шундай чора-тадбирлар ҳисобига юртимиз тинч, диндорларимиз хотиржамликда ибодатларини кўнгилдагидек адо этмоқдалар. Зоро, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлариdek: “Ҳақиқий мусулмон бу – мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлишиллари”dir. Шундай экан, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асрash, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш – ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган барча фуқароларнинг, давлат ёки жамоат ташкилотида ишлаши, тадбиркор ёки бошқа касб эгаси

бўлишидан қатъий назар, энг асосий вазифаларидан бўлиб қолмоғи лозим.

**“Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти”
факультетининг Ёшлар**

**билан ишлаш декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев
ТИҚХММИ матбуот хизмати**